



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MANKAMASINING QARORI

20 22 yil « 28» sentabr

№ 536

Toshkent sh.

Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ва ёнғин ўчириш воситаларига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида

“Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, шунингдек, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ва ёнғин ўчириш воситаларига ягона талабларни белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қўйидагиларни назарда тутувчи **Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ва ёнғин ўчириш воситаларига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги умумий техник регламент** (кейинги ўринларда – Техник регламент) ва уни жорий этиш схемаси 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин:

ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ва ёнғин ўчириш воситаларига қўйиладиган **умумий техник талаблар;**

ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ва ёнғин ўчириш воситаларини **идентификация қилиш ва мувофиқликни баҳолашга қўйиладиган талаблар;**

ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ва ёнғин ўчириш воситаларининг **мувофиқлик белгиси ва тамғасига қўйиладиган талаблар.**

Техник регламент расмий эълон қилинган кундан бошлаб ўн икки ой ўтгач амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу қарор қабул қилинган кундан бошлаб, Техник регламент амалга киритилгунга қадар ёнғин хавфсизлигини таъминловчи ва ёнғин ўчириш воситаларини стандартлаштириш бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни қўллашда уларнинг мажбурийлик хусусиятини бекор қилиш ва ихтиёрий қўлланилишини таъминлаш юзасидан белгиланган тартибда чоралар кўрсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Фавкулудда вазиятлар вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда Техник регламентнинг мақсадлари, мазмуни ва уни қўллаш тартиби тўғрисида аҳоли, вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар ҳамда тадбиркорлик субъектларининг кенг хабардор қилинишини таъминласин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси фавкулудда вазиятлар вазири А.Х. Қўлдошев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “28” сентябрдаги 536 -сон қарорига
1-илова

Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ва ёнғин ўчириш воситаларига қўйиладиган талаблар тўғрисида УМУМИЙ ТЕХНИК РЕГЛАМЕНТ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ва ёнғин ўчириш воситаларига қўйиладиган талаблар тўғрисида умумий техник регламент (кейинги ўринларда – Техник регламент) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўлланилиши ва бажарилиши мажбурий бўлган ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ва ёнғин ўчириш воситаларига, шунингдек ушбу воситаларни тамғалашга қўйиладиган талабларни белгилайди.

2. Ушбу Техник регламент ёнғинларнинг олдини олиш, юзага келиш хавфини камайтириш, ёнғин ривожланишини ва унинг хавфли омилларининг тарқалишини чеклаш, ёнғинни ўчириш, одамларни қутқариш, инсон ҳаёти ва (ёки) соғлиғини, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкани ва атроф муҳитни ҳимоя қилиш, шунингдек ёнғин натижасида зиён келтириш ва (ёки) зарар етказиш хавфини пасайтириш учун мўлжалланган ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ва ёнғин ўчириш воситаларига нисбатдан қўлланилади.

3. Ушбу Техник регламент талаблари қўлланиладиган техник жиҳатдан тартибга солиш объектларининг рўйхати мазкур Техник регламентга иловада келтирилган.

Мазкур рўйхатга киритилган ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ва ёнғин ўчириш воситаларининг мувофиқлигини баҳолаш, Ўзбекистон Республикасида мувофиқлиги тасдиқланиши шарт бўлган объектлар рўйхатлари асосида амалга оширилади.

2-боб. Атамалар ва таърифлар

4. Ушбу Техник регламентда қуйидаги атамалар ва таърифлардан фойдаланилади:

автоматик ёнғин ўчириш қурилмаси – ёнғин сигнализацияси тизими ёки қурилманинг ўзида ўрнатилган ёнғинни инсон аралашувисиз аниқловчи техник воситалар орқали қабул қилинган бошқарув сигналдан сўнг ўт ўчириш моддасининг узатилишини (чиқарилишини) ҳамда ёнғин тўғрисидаги сигнални ташқи занжирларга узатиб берилишини таъминловчи ёнғин ўчириш қурилмаси;

автоном ёнғин ўчириш қурилмаси – қувват манбалари ва бошқарув тизимларидан қатъи назар, автоматик тарзда ёнғинни аниқлаш ва ўчириш функцияларини бажарадиган ёнғин ўчириш қурилмаси;

автоном ёнғин ўчириш ускунаси – ёнғин ўчириш учун мўлжалланган, ёнғин хавфи омиллари таъсирида ишлаб кетиши ва ўт ўчириш моддасининг чиқарилишини таъминлайдиган стационар техник восита;

ёнғинни ўчиришнинг бирламчи воситалари – бошланғич даврида ривожланаётган ёнғин билан курашиш учун мўлжалланган ёнғин ўчириш воситалари;

ёнғин автоматикаси тизими – объектнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш учун мўлжалланган ўзаро алоқа қилувчи ёнғин сигнализацияси, ёнғин тўғрисида хабар бериш, одамларни огоҳлантириш ва эвакуация қилиш, тутунга қарши шамоллатиш тизимлари ҳамда автоматик ёнғин ўчириш қурилмалари ва бошқа автоматик ёнғинга қарши ҳимоя техник ускуналари мажмуи;

ёнғин бошқарув асбоби – автоматик ёнғинга қарши ҳимоя воситаларининг (тизимларининг) ижрочи қурилмаларини бошқариш, улар билан алоқа линияларининг бутунлигини ва бошқариладиган ёнғин автоматик тизимининг иш режимини назорат қилиш учун мўлжалланган техник восита;

ёнғин қабул қилиш-назорат асбоби – ёнғин хабарлагичлар ва бошқа асбоблардан сигналларни қабул қилиш ва акс эттириш, ушбу техник восита ҳамда ёруғлик индикаторлари ва товушли сигнализаторлар ўртасидаги алоқа линияларининг бутунлигини ва ишлаш ҳолатини назорат қилиш, шунингдек, ёнғин ўчирувчи бошқарув асбобини ишга тушириш импульсини шакллантириш учун мўлжалланган техник восита;

ёнғинга қарши тўсиқ – хоналар, бинолар ва иншоотлар ўртасида ёнғин тарқалишини олдини олиш учун мўлжалланган ёнғин хавфсизлигини таъминлаш воситаси, меъёрланган оловбардошлик даражасига ва ёнғин хавфи синфига эга қурилиш конструкцияси, бинонинг хажмдор элементи ёки бошқа муҳандислик-техник восита;

ёнғинга қарши шкаф – ёнғин пайтида ишлатиладиган ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ва ёнғин ўчириш воситаларини, шу жумладан одамларни ҳамда моддий бойликларни ҳимоя қилиш ва қутқариш воситаларини жойлаштириш ва бутлигини сақлаш учун мўлжалланган ёнғинга қарши анжом-ашёлар тури;

одамларни ёнғиндан хабардор ва эвакуация қилишни бошқариш тизими – одамларга ёнғин юзага келганлиги, эвакуация қилиш зарурлиги, эвакуация йўллари ва кетма-кетлиги тўғрисида хабар бериш учун мўлжалланган техник воситалар мажмуи;

ёнғин сигнализацияси ва эвакуацияни бошқариш тизими – ёнғин келиб чиқиши ва (ёки) эвакуация зарурати ва йўллари тўғрисида одамларга ўз вақтида маълумот бериш учун мўлжалланган ташкилий тадбирлар ва техник воситалар мажмуи;

ёнғин сигнализацияси тизими – ёнғинни аниқлаш, ёнғин, тизимнинг иш режимлари ҳақидаги ва бошқа маълумотлар, сигналларни шакллантириш, йиғиш, қайта ишлаш, рўйхатга олиш ва уларни белгиланган шаклда узатиш, шунингдек, ёнғинга қарши ҳимоя техник воситаларни, технологик, электротехник ва бошқа жиҳозларни бошқариш мақсадида сигналларни етказиб бериш учун (зарур бўлганда) мўлжалланган ўзаро алоқадор боғлиқликда қўлланиладиган техник воситалар мажмуи;

ёнғин ўчириш жиҳозлари – ёнғин ўчириш коммуникациялари таркибига кирувчи жиҳозлар, шунингдек, ушбу жиҳозларга техник хизмат кўрсатиш воситалари;

ёнғин ўчириш крани – ёнғинга қарши қувурга ўрнатилган ва улаш бошчаси билан жиҳозланган, беркитиш клапани ҳамда қўл дастакли ёнғин ўчириш енгидан (рукав) иборат тўплам;

ёнғин ўчириш қурилмаси – ўт ўчириш моддасини чиқариш йўли билан ёнғинни ўчиришга мўлжалланган стационар техник воситалар мажмуи;

ёнғин ўчириш мотопомпаси – ёнғин-техник жиҳозлар билан бутланган, индивидуал двигателдан ҳаракатланувчи мобил (тиркамали ёки кўчма) мотор-насосли агрегати;

ёнғин ўчириш нарвони – биноларнинг баланд қаватларидаги ёнғинларни ўчириш ва одамларни қутқариш мақсадида ёнғин ўчирувчиларни ва жиҳозларни юқори қаватларга кўтариш учун фойдаланиладиган, конструктив жиҳатдан кўндаланг таянч поғоналар орқали бир-бирига мустаҳкам уланган иккита параллел вертикал устундан иборат кўчма восита;

ёнғин ўчириш насоси – ҳаракатланувчи двигателнинг механик энергиясини ёнғинни ўчириш учун фойдаланиладиган суяқ муҳит оқимини ҳосил қилувчи суяқлик энергиясига айлантирадиган гидравлик машина;

ёнғин ўчирувчининг ўзини-ўзи қутқариш воситалари – кутилмаган вазиятларда ёнғин ўчирувчини хавфли зонадан мустақил равишда ёки мажбурий тарзда ҳаракатланиб хавфсизлигини таъминлайдиган техник воситалар;

ёнғин ўчирувчининг шахсий ҳимоя воситаси – ёнғин ўчирувчи киядиган (ишлатадиган) ва унга ёнғиннинг хавфли омиллари таъсирини олдини олувчи ёки камайтирувчи (ёнғин ўчирувчининг махсус ҳимоя кийими, ёнғин ўчирувчининг нафас олиш ва кўриш аъзолари, боши, қўллари ва оёқлари учун шахсий ҳимоя воситалари) шахсий ҳимоя воситалари;

ёнғин ўчоғи – ёнғиннинг дастлабки келиб чиқиш жойи;

ёнғин хабарчиси (оповещатель) – ёруғлик, товуш, нутқ сигнали (уларнинг комбинацияси) ёки инсоннинг сезги аъзоларига бошқа таъсирлар орқали, одамларга ёнғин ҳақида хабар бериш учун мўлжалланган техник восита;

ёнғин хабарлагичи (извещатель) – ёнғин оқибатида атроф муҳит жисмоний параметрларидаги ўзгаришларни кузатиш орқали ёнғинни аниқлаш ва (ёки) ёнғин ҳақида сигнални шакллантириб бериш учун мўлжалланган техник воситаси;

ёнғиннинг хавфли омиллари – одамларнинг шикастланишига, захарланишига ёки ҳалок бўлишига ва (ёки) моддий зарарга олиб келиши мумкин бўлган ёнғин омиллари таъсири;

ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ва ёнғин ўчириш воситалари – ёнғиннинг олдини олиш, юзага келиши ва ривожланиши хавфини камайтириш, унинг хавфли омиллари тарқалишини чеклаш, ёнғинни ўчириш, одамларни қутқариш ва ёнғин оқибатларини бартараф этиш, одамларнинг ҳаёти ва (ёки) соғлиғи, мол-мулки ва атроф муҳитни ёнғиндан ҳимоя қилиш учун, шунингдек, ёнғин туфайли зарар кўриш ва (ёки) зарар етказиш хавфини камайтириш учун мўлжалланган воситалар;

ёнғин ҳақида хабарлар узатиш тизими – кўриқланадиган объект (объектлар)нинг марказлаштирилган кузатув пунктларида ёки ходим(лар) кечаю-кундуз навбатчилик олиб борадиган хоналарга алоқа каналлари орқали ёнғин ҳақида хабарлар узатиш ва қабул қилиш, шунингдек хизмат ва назорат-диагностика хабарларини, телебошқарув командаларни узатиш ва қабул қилишга (қайта алоқа канали мавжуд бўлганда) мўлжалланган техник воситалар тўплами;

ёнғиндан ҳимоя қилиш воситалари – одамларни ёнғиннинг хавфли омиллари таъсиридан, шу жумладан эвакуация пайтида ўзини-ўзи қутқариш ва қутқариш билан боғлиқ вазиятларда уларнинг хавфсизлигини ва ҳимоясини таъминловчи техник воситалар;

изоляцияловчи нафас олиш аппарати – нафас олиш ва кўриш аъзоларини ҳимоя қилувчи шахсий ҳимоя воситаси;

конструкциянинг оловбардошлилик даражаси (ёнғинга қарши тўсиқларнинг очик жойларини (проёмларини) тўлдирувчи қурилманинг) – стандарт синовлар шароитида аланга таъсири бошланиш вақтидан ушбу қурилма учун меъёрлар билан чегараланган ҳолатлардан бирининг бошланишигача бўлган вақт оралиғи;

қутқариш – одамларни уларни ҳаёти ва (ёки) соғлиғига ёнғиннинг хавфли омиллари таъсиди эҳтимоли мавжуд бўлганда хавфсиз ҳудудга, шу жумладан тегишли ҳимоя ва қутқарув техник воситаларидан фойдаланган ҳолда, яқка холда ёки жамоавий тарзда олиб чиқиб кетиш жараёни;

қутқарув воситалари – ёнғиннинг хавфли омиллари таъсири эҳтимоли бўлган жойлардан ва (ёки) улар билан боғлиқ ҳолатларда ҳамда эвакуация йўллари хавфли ёнғин омиллари оқибатида ёки бошқа сабабларга кўра тўсиб қўйилганда одамларни мустақил ёки мажбурий тарзда олиб чиқишни таъминлайдиган техник воситалари;

қўл ёнғин хабарлагичи – ёнғин ҳақида сигнални қўлда ишга тушириш учун мўлжалланган техник восита;

мобил ёнғин ўчириш воситалари – ёнғин ўчириш бўлинмалари шахсий таркиби томонидан ёнғин ўчириш ва авария-қутқарув ишларини амалга ошириш учун мўлжалланган ёнғин ўчириш транспорти ёки транспортда кўчириладиган машиналари (ёнғин ўчириш автомобиллари, вездеходлар, самолётлар, вертолётлар, поездлар, кемалар, мобил робототехник мажмуалар, мотопомпалар, мотоцикллар, квадроцикллар, квадрицикллар, трицикллар);

мобил робот – оператор томонидан масофадан бошқариладиган хавфли зоналарда одамнинг бевосита иштирокисиз (хавфли зонанинг ташқарисидан) ёнғинни ўчириш вазифаларини ва (ёки) бошқа турдаги авария-қутқарув ишларини бажарувчи мобил ёнғин ўчириш воситаси;

мобил робототехник комплекс – мобил робот ҳамда роботни масофадан бошқариш ва ишлатишни таъминловчи воситалар тизимидан иборат мажмуа;

модулли ёнғин ўчириш қурилмаси – ёнғин ўчириш вазифасини мустақил бажара оладиган бир ёки бир неча модуллардан иборат алоҳида объект (бино, бинонинг бир қисми ва (ёки) технологик ускуна)ни ўчириш учун мўлжалланган автоматик ёнғин ўчириш қурилмаси;

оловдан ҳимоя қилувчи восита – қурилиш материалларни ва қурилмаларни, кабель маҳсулотлари ва тўқимачилик материалларини оловдан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган ҳамда оловбардошлик хусусиятига эга оловбардош таркиб (қоплама) ёки материал;

погонажли электромонтаж буюмлар – кабель ва симларни ўтказиш учун мўлжалланган ҳар хил геометрик шаклдаги кўндаланг кесимли электромонтаж арматураси (қувур, лоток, қутилар);

робототехник восита – хавфли ҳудудда инсоннинг бевосита иштирокисиз функционал вазифаларни, иш турлари ёки операцияларни бажарувчи техник восита;

роботлаштирилган ёнғин ўчириш қурилмаси – ахборот алоқа канали орқали боғланган икки ва ундан ортиқ роботларни, ёнғин чиққан жой координаталарини аниқловчи тизимни ва дастурий бошқарув комплексини ўз ичига олган ҳамда ёнғинни ўчириш ва қуршаб олиш учун мўлжалланган автоматик қурилмалар мажмуаси;

техник восита – ёнғин содир бўлганда хавфсизликни таъминловчи ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ва ёнғинни ўчириш тизимлари (воситалари) таркибида ишлайдиган ускуна ва (ёки) асбоб;

тутунга қарши шамоллатиш тизими – ёнғинда бинолар ва иншоотларни тутун босиб кетиш хавфини, шунингдек ёнғиннинг одамларга ва моддий бойликларга таъсир этувчи хавфли омилларининг олдини олиш ёки чеклаш учун мўлжалланган ўзаро алоқада ишловчи техник воситалар мажмуи;

ўт ўчиргич – ўт ўчириш воситасини чиқариш ҳисобига ёнғин манбасини ўчириш учун мўлжалланган, қўлда ёнғин ўчоғига етказиладиган ва ишга тушириладиган, олиб юриладиган ёки кўчма ҳаракатланувчи қурилма;

ўт ўчириш моддаси – ёнишни тўхтатиш учун шароит яратишга имкон берувчи физикавий ва кимёвий хусусиятларга эга бўлган модда;

эвакуация – одамларнинг уюшган тарзда ёнғиннинг хавфли омиллари таъсири эҳтимоли мавжуд бўлган хоналардан бевосита ташқарига ёки хавфсиз ҳудудга мустақил ҳаракатланиб чиқиб кетиш жараёни.

3-боб. Техник жиҳатдан тартибга солинадиган объектларга талаблар

5. Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ва ёнғин ўчириш воситалари ёнғиннинг олдини олишни, содир бўлиш хавфини камайтиришни, ёнғин ривожланиши ва унинг хавфли омиллари тарқалиб кетишини чеклашни, ёнғинни ўчиришни, одамларни қутқаришни, инсон ҳаёти ва (ёки) соғлиғи, мол-мулки ва атроф муҳитни ёнғиндан ҳимоя қилишни, шунингдек ёнғин оқибатида зиён келтириш ва (ёки) зарар етказиш хавфини камайтиришни таъминлаши керак.

6. Ўт ўчириш воситалари ёнғинни ушбу воситаларни узатиш хусусиятларига ва ўчириш тактикасига мувофиқ ҳолда юза (локал-юза) ва (ёки) ҳажмий (локал-ҳажмий) усулда ёнғин ўчиришни таъминлаши керак.

7. Ўт ўчириш воситалари ўзаро таъсири янги ёнғин ёки портлаш ўчоқлари юзага келиш хавфини келтириб чиқармайдиган материалларни ўчириш учун қўлланиши керак.

8. Ўт ўчириш воситаларини ташиш ва сақлаш жараёнида уларнинг ёнғин ўчириш учун зарур бўлган хусусиятлари сақланиб қолиши шарт.

9. Оловдан ҳимоя қилиш воситалари ҳимояланадиган объектларнинг ёнғин хавфи камайтирилишини ва (ёки) меъёрланган даражада оловбардошлиги оширилишини таъминлайдиган ёнғинга қарши самарадорликка эга бўлиши керак.

10. Оловдан ҳимоя қилувчи воситаларга оид техник ҳужжатлар ушбу воситаларни қўллаш соҳасини белгиловчи хос техник кўрсаткичлар, юзани тайёрлаш усули, грунтровка турлари ва маркалари, ҳимоя қилинадиган юзани қоплаш усули, қуритиш шароитлари, ушбу маҳсулотларнинг оловдан ҳимоя қилиш ёнғинга қарши самарадорлиги, салбий иқлим таъсирига қарши ҳимоя усули, қопламасидан фойдаланиш муддати ва шароитлари, оловдан ҳимоя қилиш ишларини олиб боришда хавфсизлик чоралари, шунингдек ташиш ва сақлаш тартиби ҳақидаги маълумотларни ўз ичига қамраб олган бўлиши керак.

11. Темир конструкцияларни ва (ёки) темир-бетон конструкцияларни оловдан ҳимоя қилувчи воситаларнинг техник ҳужжатларида талаб қилинган оловдан ҳимоя қилиш самарадорлигига эришиш учун зарур бўлган оловдан ҳимоя қилиш қопламанинг қалинлиги ва оловдан ҳимоя воситасининг сарфи, қуруқ қолдиғи, зичлиги, динамик қовушқоқлиги, ёпишқоқлиги ва оловдан ҳимоя қилувчи самарасининг сақланиш муддати ҳақида қўшимча маълумотлар акс эттирилади.

Оловдан ҳимоя қиладиган қатлам юзасига декоратив кўриниш бериш ёки уни салбий иқлим таъсирига чидамлилигини ошириш учун қўшимча қоплама қўлланилиши мумкин. Бундай ҳолатда оловдан ҳимоя қилиш самарадорлиги қўшимча қопламани инобатга олган ҳолда кўрсатилиши керак.

12. Кабелларни оловдан ҳимоя қилиш воситаларининг техник ҳужжатларида талаб қилинадиган оловдан ҳимоя қилиш самарадорлигига эришиш учун зарур бўлган оловдан ҳимоя қилувчи қопламанинг қалинлиги ва оловдан ҳимоя воситасининг сарфи, қуруқ қолдиғи ва қўлланилиш соҳаси (восита қўлланилаётган кабеллар ташқи қобиғининг турлари учун) ҳақидаги маълумотлар акс эттирилади.

13. Ёғоч ва унинг асосидаги материалларни оловдан ҳимоя қилиш воситалари учун техник ҳужжатларда воситаларнинг оловдан ҳимоя қилиш самарадорлик гуруҳи, таркибнинг зичлиги ва улар сарфланадиган майдон бирлиги ёки ҳажми бўйича кўрсатилади (қўллаш усулига қараб). Агар ишлаб чиқарувчи ёғоч ва унинг асосидаги материаллар учун оловдан ҳимоя қилиш маҳсулотларининг хизмат муддати 1 йилдан ортиқ этиб белгилаган бўлса, унинг эскиришга чидамлилиги синовлар билан тасдиқлаш керак.

14. Нометалл материаллардан тайёрланган поғонажли электромонтаж буюмлар иссиқликка чидамли, қиздирилган симдан ўт олишга чидамли, очиқ аланга таъсирига чидамли ҳамда кабелларни биттадан ёки гуруҳ қилиб ётқизилганда ёниш тарқалишга чидамли бўлиши керак.

15. Ўт ўчиргичлар модели ёнғин ўчоқларини ўчиришни таъминлаши керак.

Олиб юриладиган ва кўчма ҳаракатланувчи ўт ўчиргичлар қурилмавий элементларининг мустаҳкамлик хусусиятлари бундай ўт ўчиргичларни ёнғин ўчиришда қўллаш вақтида хавфсизликни таъминлаб бериши керак.

16. Ёнғин ўчириш кранлар ва клапанлар бир киши томонидан очиш имкониятини ва ёнғинга қарши сув таъминоти тизимидан сувни талаб этилган норматив сарфлар меъёрида узатилишини таъминлаб бериш керак.

Ёнғин ўчириш кранларининг улаш қурилмалари ёнғин-қутқарув бўлимлари томонидан фойдаланиладиган ёнғин ўчириш энглари уланишини таъминлаши керак.

17. Ёнғинга қарши шкафларда улардан фойдаланиш мақсадига қараб бирламчи ёнғин ўчириш воситалари, жиҳозлари, шахсий ҳимоя ва қутқарув воситалари жойлаштирилиши ва сақланиши керак.

Ёнғинга қарши шкафларнинг конструкцияси уларда жойлашган техник воситалардан тез ва хавфсиз фойдаланиш имкониятини таъминлаши керак.

Ёнғинга қарши шкафлар ёнмайдиган материаллардан тайёрланган бўлиши керак.

Ёнғинга қарши шкафларнинг ташқи безатилиши ва улар ичидаги жиҳозлар ҳақидаги маълумотлар ушбу шкафларга жойлаштирилган техник воситалар мавжудлиги ва уларнинг таркиби ҳақида тезкор хабардор қилиш имконини бериши керак.

18. Мобил ёнғин ўчириш воситалари қуйидаги функциялардан бири ёки бир нечтасининг бажарилишини таъминлаши керак:

а) ёнғин жойига ёнғин-қутқарув бўлинмалари шахсий таркиби, ўт ўчириш моддалари, ёнғин ўчириш ускуналари, ёнғин ўчирувчиларнинг шахсий ҳимоя ва ўзини-ўзи қутқариш воситалари, ёнғин ўчириш жиҳозлари, одамларни қутқарув воситаларини етказиб бериш;

б) ёнғин зонасига ўт ўчириш воситаларини етказиб бериш;

в) ёнғин ўчириш билан боғлиқ авария-қутқарув ишларини амалга ошириш;

г) ёнғин-қутқарув бўлинмалари томонидан бажариладиган ишлар хавфсизлигини таъминлаш.

19. Ёнғин ўчириш мотопомпалари сув таъминоти тармоғи, сиғимлар ва (ёки) очик сув манбаларидан ёнғинларни ўчириш учун талаб этиладиган сарф ва ишчи босим билан сув олишни ва узатишни таъминлаши керак.

Олиб юриладиган ёнғин ўчириш мотопомпаларининг конструкцияси тузилиши икки нафар оператор томонидан кўтариб бориш ва ерга (сув сатҳига) ўрнатиш имкониятини таъминлаши керак.

Тиркамали ёнғин ўчириш мотопомпалари стационар равишда тиркамаларга ўрнатилган бўлиши керак. Тиркамаларнинг тузилиши ёнғин ўчириш мотопомпаларини ёнғин жойига етказиш вақтида хавфсизликни ҳамда уларнинг сув олиш ва узатиш вақтида барқарор жойлашувини таъминлаши керак.

20. Мобил ёнғин ўчириш воситаларидаги марказдан қочма ёнғин ўчириш насослари сув, кўпик ҳосил қилувчи модданинг сувли аралашмасини талаб қилинадиган (меъёрда) сарф ва ишчи босим билан узатиб беришни таъминлаш керак.

21. Мобил ёнғин ўчириш воситаларидаги марказдан қочма ёнғин ўчириш насослари, конструктив хусусиятлари ва асосий параметрларидан келиб чиқиб, қуйидагиларни таъминлаб бериши керак:

а) нормал босимда сув ва ўт ўчириш аралашмаларини узатиб беришни;

б) юқори босимда сув ва ўт ўчириш аралашмаларини узатиб беришни;
в) нормал ва юқори босимда сув ва ўт ўчириш аралашмаларини бир вақтда етказиб беришни;

г) очик сув манбаларидан сув олиш (тортиш)ни.

22. Ёнғин автоматик тизими таркибида ишлайдиган техник воситалар, уларнинг қўлланилишига қараб, қуйидаги функциялардан бирини ёки бир нечтаси бажарилишини таъминлаши керак:

а) ёнғинни автоматик равишда аниқлашни, ёнғин ҳақидаги сигналини автоматик тарзда, автоматик ва (ёки) қўлда ёқиш;

б) ёнғин ҳақида навбатчи ходимларни хабардор қилиш;

в) одамларни ёнғин ҳақида хабардор қилиш ва эвакуация қилишни бошқарув техник қурилмаларига, эвакуация қилишга мўлжалланган ёритиш мосламаларини ёқиш, ёнғиндан ҳимоя қилиш тизимлари (ёнғинни ўчириш, тутунга қарши шамоллатиш) бажарув қурилмаларига бошқарув сигналларини юбориш;

г) муҳандислик ва технологик жиҳозларни бошқариш сигналларини шакллантириш;

д) ёнғин автоматик тизимлари таркибида ишлайдиган алоҳида техник қурилмалар орасидаги алоқа линияларида носозликлар юзага келганлиги тўғрисида навбатчи ходимларни хабардор қилиш.

23. Ёнғин автоматик тизимларининг таркибида ишлайдиган техник воситаларининг бир-бири билан, шунингдек ўзаро алоқада ҳаракатланувчи бошқа техник воситалар билан электр ва ахборот алмашуви бўйича ўзаро мослигини таъминлаши керак.

24. Ёнғин автоматик тизимларининг таркибида ишлайдиган техник воситалар, юқори ҳарорат ва намлик шароитларида, шунингдек механик таъсирлар пайтида ҳам ишлаш хусусиятини сақлаб қолиши керак.

25. Ёнғин сигнализацияси тизимлари таркибида ишлайдиган техник воситалар уларнинг қўлланилишига қараб қуйидаги функциялардан бирини ёки бир нечтасини таъминлаши керак:

а) ёнғинни аниқлашни;

б) ёнғин ҳақида, ёнғин сигнализацияси тизимининг иш режимлари тўғрисидаги, сигналларни, берилган усулда узатишни шакллантиришни, йиғишни, қайта ишлашни, рўйхатга олишни ва узатишни;

в) ёнғинга қарши ҳимоялаш техник воситаларини, технологик, электр ва бошқа асбоб-ускуналарни бошқариш учун сигналлар юборишни.

26. Ёнғин ҳақида хабар узатиш тизимларининг таркибида ишлайдиган техник воситалар қуйидагиларни таъминлаши керак:

а) объектдаги ёнғин автоматикаси тизими томонидан қайд қилинган ёнғин ва носозликлар ҳақидаги огоҳлантириш хабарларини алоқа линияси (линиялари) орқали марказлаштирилган кузатув пультага узатишни;

б) объектдаги ёнғин автоматикаси тизими ва марказлаштирилган кузатув пульти орасидаги алоқа линияларининг созлиги устидан автоматик тарздаги назоратни.

27. Ёнғинда одамларни хабарлаш ва эвакуациясини бошқариш тизимларининг таркибида ишлайдиган техник воситалар, ёнғин ҳақида одамларни эвакуация қилиш учун зарур бўлган вақт давомида хабар бериб туришини ҳамда эвакуация йўллари ва усуллари ҳақида қўшимча маълумотларни узатишни таъминлаши керак.

28. Ёнғинда одамларни хабарлаш ва эвакуациясини бошқариш тизимларининг таркибида ишлайдиган техник воситалар ёнғин ҳақида қуйидаги усуллар ёки уларнинг ҳар қандай мақбул комбинацияларидан бири орқали одамларни хабардор қилишни таъминлаши керак:

одамлар доимий ёки вақтинча бўладиган биноларнинг барча хоналарига ёруғлик, товуш ва (ёки) нутқ сигналларини узатиш;

эвакуация қилишнинг зарурлиги, эвакуация йўллари тўғрисидаги, ҳаракат йўналиши ва бошқа одамлар хавфсизлигини таъминлаш ва ёнғин содир бўлганда ваҳима келиб чиқишининг олдини олишга қаратилган ҳаракатлар ҳақида махсус ишлаб чиқилган матнларни трансляция қилишни;

якка хабарлаш сигналларини узатиб бериш (ёруғлик, товуш, вибрацион хабарлаш сигналлари ва сигналларни қайта узатиб берувчи персонал алоқа қурилмалари ёрдамида);

меъёрланган вақт давомида эвакуация йўлларидаги ёнғин хавфсизлиги белгиларини ёритишни;

ёнғин автоматикаси сигнали орқали эвакуация (авариявий) ёритгичини ёқиш;

эвакуация учун мўлжалланган чиқиш эшикларининг қулфларини масофадан очиш;

ёнғин (диспетчерлик) постини ва одамларни ёнғин ҳақида хабар қилиш зоналари алоқа билан таъминлашни;

эвакуация пайтида одамларни хабардор қилишнинг бошқа усуллари.

Ёнғин ҳақида хабарлаш сигналлари бошқа мақсадлардаги сигналлардан фарқ қилиши керак.

Ёнғин хабарчи зарурий ҳолларда электр тармоғига, шунингдек бошқа зарур алоқа линияларига ажратувчи мосламалардан фойдаланмаган холда уланиши керак. Овоз ва нутқ сигналларини узатувчи ёнғин хабарчилари товушнинг баландлик даражасини ўзгартириш имконига эга бўлмаслиги керак.

29. Автоматик ёнғинни ўчириш қурилмаларининг таркибида ишлайдиган техник воситалар (шу жумладан, автоном ёнғин ўчириш қурилмалари, модулли ёнғин ўчириш қурилмалари, роботлаштирилган ёнғин ўчириш

қурилмалари) уларнинг қўлланилишидан келиб чиқиб, ёнғинни аниқлаш, ёнғин сигналини ташқи тармоқларга узатиш ва талаб қилинадиган (меъёрланган) хусусиятга эга ўт ўчириш моддасининг ёнғин зонасига узатилишини (чиқаришни) таъминлаши керак.

Автоном ёнғин ўчириш қурилмаларининг таркибида ишлайдиган техник воситалар юқорида кўрсатилган функцияларни бажарилишини, ташқи қувват манбалари ва бошқарув тизимлари мавжудлигидан қатъи назар таъминлаши керак.

30. Роботлаштирилган ёнғин ўчириш қурилмалари ва уларнинг таркибида ишлайдиган техник воситалар қуйидаги вазифалар бажарилишини таъминлаши керак:

а) аланга ўчоғини аниқлаш;

б) талаб қилинадиган (меъёрланган) хусусиятга эга ўт ўчириш моддасининг ёнғин зонасига узатилишини таъминлаш (узатиш интенсивлиги, кўпикнинг карралиги ва бошқалар).

31. Автоном ёнғин ўчириш қурилмалари бир ёки бир неча ёнғин омиллари таъсирида ишлаб кетганида талаб қилинадиган (меъёрланган) хусусиятга эга ўт ўчириш воситасининг узатилишини (чиқарилишини) таъминлаши керак.

32. Мобил робототехник комплекс-мажмуалар инсоннинг бевосита иштирокисиз авария-қутқарув ишлари бажариладиган зоналарга етиб боришини ва хавфли зонада талаб қилинадиган (меъёрланган) хусусиятга эга ўт ўчириш моддасини узатиб бериш орқали ёнғин ўчириш функцияларни ва (ёки) бошқа турдаги авария-қутқарув ишларни бажарилишини таъминлаши керак.

33. Ёнғин ўчирувчиларнинг шахсий ҳимоя воситалари ёнғин-қутқарув бўлинмалари шахсий таркибини ёнғинни ўчириш, авария-қутқарув ишларини бажариш ва (ёки) фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш вақтида ёнғиннинг хавфли омиллари ва салбий иқлим таъсирларидан ҳимоя қилиши керак.

34. Ёнғин ўчирувчиларнинг шахсий ҳимоя воситалари қаторига қуйидагилар киради:

а) ёнғин ўчирувчиларнинг нафас олиш ва кўриш органлари учун шахсий ҳимоя воситалари;

б) ёнғин ўчирувчиларнинг махсус ҳимоя кийимлари;

в) ёнғин ўчирувчининг қўллари, оёқлари ва боши учун шахсий ҳимоя воситалари.

35. Ёнғин ўчирувчиларнинг шахсий ҳимоя воситалари эргономик жиҳатдан бир-бирига мос келиши ҳамда кўриш имконияти пасайган шароитда ёнғин ўчирувчиларни визуал кузатиш ва қидиришга имкон берувчи ёруғлик-сигнал элементларига эга бўлиши керак.

36. Нафас олиш ва кўриш органлари учун шахсий ҳимоя воситалари ва улар таркибида ишлайдиган техник воситалар, нафас олиш қийин ва кўз шиллиқ пардасини безовта қиладиган муҳитда ишлаётган ёнғин ўчирувчининг ҳимоясини таъминлаши керак.

37. Ёнғин ўчирувчиларнинг нафас олиш ва кўриш органларини ҳимояловчи шахсий ҳимоя воситалари, уларнинг ишлаш принципи ва қўлланилиш шароитларига кўра қуйидагиларга бўлинади:

а) ҳар қандай ёнғинни ўчириш учун – ёнғин ўчирувчиларнинг изоляцияловчи нафас олиш аппаратлар (сиқилган ҳаво, сиқилган кислород билан);

б) очик ҳавода табиий ёнғинларни ўчириш учун – ёнғин ўчирувчиларнинг филтрли нафас олиш ва кўриш органларини ҳимояловчи шахсий ҳимоя воситалари;

в) ёнғин ўчирувчилар ўзини-ўзи қутқариши учун – ёнғин ўчирувчиларнинг ўзини-ўзи қутқариш учун мўлжалланган изоляцияловчи воситалар.

38. Ёнғин ўчирувчиларнинг нафас олиш ва кўриш органларини ҳимояловчи шахсий ҳимоя воситалари ҳамда улар таркибида ишлайдиган техник воситалар термик ва механик таъсирларга, салбий иқлим таъсирларига чидамли, шунингдек эргономик-қулай ва ҳимоя кўрсаткичларига (ёнғин ўчириш, фавқулодда ҳолат оқибатларини бартараф этиш, авария-қутқарув ишларини амалга ошириш, одамларни қутқариш тактикасини ҳамда ёнғин ўчирувчилар ва қутқарувчилар учун хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда) эга бўлиши керак.

39. Ёнғин ўчирувчиларнинг изоляцияловчи нафас олиш аппаратлари (сиқилган ҳаво, сиқилган кислород билан) инсон нафас олиш жараёнида юз қисмидаги ниқоб ости қисмида ортиқча босимни сақлаб туришни таъминлаши керак.

Сиқилган ҳавода ишлайдиган ёнғин ўчирувчиларнинг изоляцияловчи нафас олиш аппаратларининг номинал ҳимоялаш иш вақти (ўпка вентиляцияси 30 l/min деб ҳисоблаганда) 60 дақиқадан кам бўлмаслиги керак.

Сиқилган кислородда ишлайдиган ёнғин ўчирувчиларнинг изоляцияловчи нафас олиш аппаратларининг номинал ҳимоялаш иш вақти (ўпка вентиляцияси 30 l/min деб ҳисоблаганда) 240 дақиқадан кам бўлмаслиги керак.

40. Ёнғин ўчирувчиларнинг нафас олиш ва кўриш органларини ҳимояловчи шахсий ҳимоя воситаларининг конструктив ечимлари нафас олиш аралашмаси билан тўлдирилган баллонларни ва (ёки) регенератив (қайта тикловчи) патронларни (брикетларни) тезкорлик билан алмаштириш (махсус анжомлардан фойдаланилмаган ҳолда) имкониятини назарда тутиш керак.

41. Ёнфин ўчирувчиларнинг ўзини-ўзи қутқариш изоляцияловчи воситалари ёнфин ўчирувчиларнинг нафас олиш ва кўриш органларининг ёнфинларнинг хавфли омилларидан 25 дақиқадан кам бўлмаган вақт давомида ҳимоясининг керакли даражасини таъминлаши зарур. Ёнфин ўчирувчиларни ўзини-ўзи қутқариш изоляцияловчи воситалари термик ва механик таъсирларга, салбий иқлим таъсирларга чидамлик, шунингдек, эргономик ва ҳимоя кўрсаткичларига (ёнфин ўчирувчиларни ёнфин вақтида ажралиб чиқаётган захарли моддалардан ҳимоялашни ҳисобга олган ҳолда) эга бўлиши керак.

42. Ёнфин ўчирувчиларнинг изоляцияловчи нафас олиш аппаратларининг баллонларини тўлдириш учун компрессор ускуналари, махсус хоналарда, шунингдек очик жойларда стационар ўрнатилган ҳолда сиқилган ҳаво ва (ёки) кислород билан тўлдириб бериш имкониятини таъминлаши керак.

Ёнфин ўчирувчиларнинг изоляцияловчи нафас олиш аппаратларининг баллонларини ҳаво билан тўлдириш компрессорларининг ишчи босими 29,4 МРа дан кам бўлмаслиги, кислород билан тўлдириш компрессорлариники эса – 20,0 МРа дан кам бўлмаслиги керак.

Стационар компрессор қурилмаларининг ҳаво ўтказгич қувурлари ва газ қувурларининг тузилиши ҳамда улардан хавфсиз фойдаланиш қоидалари талабларига жавоб бериши шарт.

Ёнфин ўчирувчиларнинг изоляцияловчи нафас олиш аппаратларининг баллонларини тўлдириш компрессорлари қуйидаги иқлим шароитида фойдаланиш учун мўлжалланган бўлиши керак:

кўчма ва стационар – атроф муҳитнинг плюс 5° С дан плюс 40° С гача ҳароратида;

мобил – атроф муҳитнинг минус 50°С дан плюс 50°С гача бўлган ҳароратида.

43. Ёнфин ўчирувчиларнинг изоляцияловчи нафас олиш аппаратларини текшириш учун мўлжалланган қурилмалар ёнфин-қутқарув бўлинмаларининг газ ва тутундан ҳимоялаш хизматининг стационар постлари ва (ёки) автомобиллари, шунингдек хизмат кўрсатиш марказларида сиқилган ҳаво ва (ёки) кислород билан нафас олиш аппаратларининг статик ёки динамик техник параметрлари тегишли синовлардан ўтказилишини таъминланиши керак.

Ёнфин ўчирувчиларнинг изоляцияловчи нафас олиш аппаратларини текшириш учун мўлжалланган қурилмалар изоляцияловчи нафас олиш аппаратларининг статик синовларини ҳаво ҳарорати + 5°С дан + 40°С гача бўлган диапазонда ўтказилишини таъминлаши керак.

Ёнфин ўчирувчиларни изоляцияловчи нафас олиш аппаратларини текшириш учун мўлжалланган қурилмалар, изоляцияловчи нафас олиш аппаратларни динамик синовларини, ўпка вентиляцияси 30 дан 100 dm³ × min⁻¹ гача (сиқилган ҳаво билан тўлдирилган изоляцияли нафас олиш аппаратлари учун) ва 30 дан 85 dm³ × min⁻¹ гача (сиқилган кислород

билан тўлдирилган изоляцияли нафас олиш аппаратлари учун) тавсифланган нафас олиш режимида таъминлаши керак.

44. Ёнгин ўчирувчиларнинг махсус ҳимоя кийимлари қуйидагиларга бўлинади:

умумий мақсадлар учун ёнгин ўчирувчиларнинг махсус ҳимоя кийимлари;

ёнгин ўчирувчиларни юқори иссиқлик таъсиридан ҳимояловчи махсус кийимлари;

ёнгин ўчирувчиларни изоляцияловчи турдаги махсус ҳимоя кийимлари;

ёнгин ўчирувчиларнинг термочидамли ички кийими;

ёнгин ўчирувчилар учун шлемтаглиги.

Ёнгин ўчирувчиларнинг махсус ҳимоя кийимлари ёнгин ўчирувчиларни ёнгиннинг хавфли омиллари ва салбий иқлим таъсирларидан ҳимояланишини таъминлаши керак, бунда уларнинг ҳимоя даражаси ёнгин ўчирувчилар учун хавфсиз меҳнат шароитини таъминлаш талабларига мувофиқ белгиланадиган кўрсаткичлар билан тавсифланади.

Ёнгин ўчирувчиларнинг махсус ҳимоя кийимларининг конструктив ечимлари кийимнинг ички қисмига ўт ўчириш моддаларининг киришини тўсиш ва уларни тезкорлик билан ечиш, нафас олиш аппаратлари баллонларидаги босимни назорат қилиш, маълумотларни қабул қилиш ва узатиш (эшитиш, кўриш ёки махсус қурилмалар ёрдамида) имконини таъминлаши керак.

Изоляцияловчи турдаги ёнгин ўчирувчилар махсус ҳимоя кийимларининг конструкцияси бундай махсус кийимда ишлаётган ёнгин ўчирувчи учун хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш мақсадида кийим остида ортиқча ҳаво босимини етарли даражада сақлаб туришни таъминлаш керак.

Хавфли объектлардаги ёнгинларни ўчиришда ишлатиладиган изоляцияловчи турдаги махсус ҳимоя кийими инсон терисининг қопламаси ва ички аъзоларига агрессив ва (ёки) радиоактив моддаларнинг тегишидан ҳимоя қилиши керак.

Радиация хавфи юқори бўлган объектларда ёнгин ўчириш ва авария-қутқарув ишларини бажаришда фойдаланиладиган изоляцияловчи турдаги махсус ҳимоя кийими ёнгин ўчирувчиларни ионловчи нурланиш таъсиридан ҳимоя қилиши керак, бунда 2 MeV (манба Sr90) дан кўп бўлмаган энергияга эга бета – нурланишнинг ташқи таъсирининг сусайиш коэффициенти камида 150, энергияси 122 keV (манба Co57) бўлган гамма – нурланишнинг ташқи таъсирининг сусайиш коэффициенти камида 5,5 бўлиши керак.

45. Ёнѓин ўчирувчиларнинг махсус ҳимоя кийимлари билан ишлатиладиган шлемтаглиги ва термочидамли ички кийим, ёнѓин ўчириш ва фавқулодда вазиятларни бартараф этиш билан боѓлиқ ҳар қандай ишларни бажаришда зарур эргономик ва физиологик-гигиеник даражани таъминлаши керак.

46. Бошни ҳимояловчи шахсий ҳимоя воситалари (ёнѓин ўчирувчиларнинг каскалари) ёнѓинларни ўчириш, фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ва авария-қутқарув ишларини бажариш пайтидаги сув, механик, иссиқлик ва кимёвий таъсирлардан ҳамда салбий иқлим таъсирларидан ҳимоя қилиши керак.

47. Ёнѓин ўчирувчининг қўлларини ҳимояловчи шахсий ҳимоя воситалари, ёнѓинларни ўчириш, фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ва авария-қутқарув ишларини бажариш пайтида қўлларни ўт ўчириш моддаларидан, иссиқлик ва механик таъсирлардан ҳимоя қилинишини таъминлаши, шунингдек зарур эргономик хусусиятларга эга бўлиши керак.

48. Ёнѓин ўчирувчининг оёқларини ҳимоялаш шахсий ҳимоя воситалари:

ёнѓинларни ўчириш, фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ва авария-қутқарув ишларини бажариш пайтида сув, механик, иссиқлик, кимёвий таъсирлардан оёқларни ҳимоялашни таъминлаши;

ёнѓинларни ўчириш, фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ва авария-қутқарув ишларини бажариш пайтида салбий муҳит таъсиридан ҳимоялашни таъминлаши;

зарур эргономик хусусиятларга эга бўлиши керак.

49. Одамларни ёнѓин пайтида юқори қаватлардан қутқариш воситалари қуйидаги ҳаракатларни таъминлаши ва имкониятларга эга бўлиш керак:

одамларнинг ҳаётига (соғлиѓига) таҳдид қилувчи ёнѓиннинг хавфли омиллари пайдо бўлганда, улар мустақил равишда ҳаракат қилган ҳолда хавфсиз ҳудудга чиқиб кетишини;

ёнѓин пайтида одамларни қутқариш ва мустақил равишда пастга тушиш жараёнида зарур эҳтиёт чораларини таъминлаб берилишини;

ёнѓин ўчирувчилар юқори қаватларда ишлаш ва мустақил равишда пастга тушиш вақтида эҳтиёт чораларини таъминлаб берилишини.

50. Ёнѓин пайтида одамларни юқори қаватлардан қутқариш воситалари:

ишлатишга доимий шай ҳолатда бўлиши;

ишончлилиқ талаби даражасида (ишчи ҳарорат қийматлари доирасида статик ва динамик юкламалар ҳамда иссиқлик ва очик олов таъсирида) бўлиши;

махсус тайёргарликка эга бўлмаган одамлар томонидан фойдаланиш учун тушунарли, содда ва хавфсиз бўлиши;

ёнғин ва бошқа фавқулодда вазиятлар пайтида одамларни уларни ҳаётига (соғлиғига) таҳдид қилувчи хавфли омиллар пайдо бўлганида одамларни мустақил ҳамда мажбурий равишда якка ёки жамоавий тарзда хавфсиз ҳудудга олиб чиқишни таъминлаш керак.

51. Одамларни ёнғин пайтида юқори қаватлардан қутқариш воситалари қуйидагича таснифланади:

а) ҳаракат йўналиши бўйича:

кўтарувчи-туширувчи;

туширувчи;

б) ўрнатиш ва жойлашиш усулига кўра:

стационар;

мобил;

кўчма;

в) қурилиш ва фойдаланиш босқичлари билан ўзаро алоқаси бўйича:

архитектура-режалаштириш ечимларида назарда тутилмаган;

олдиндан архитектура-режалаштириш ечимларида назарда тутилган;

г) конструктив ечими бўйича:

ёнғин ўчирувчиларнинг арқонли-туширувчи қурилмалари;

ёнғин-қутқарув енглари;

сакраладиган ёнғин-қутқарув қурилмалари;

ёнғин-қутқарув траплари;

ёнғин ўчириш кўл нарвонлари;

осма ёнғин-қутқарув нарвонлари;

ёнғин-қутқарув арқонлари, ёнғин-қутқарув камарлари, ёнғин карабинлари;

агрегатли комбинацияланган (шу жумладан, қутқарув-лифт қурилмалари);

д) иш унумдорлиги бўйича:

индивидуал (шу жумладан бир марталик);

гуруҳли (жамоавий);

е) бошқарув усули бўйича:

тушиш тезлигини қўлда ўзгартириш имкони мавжуд;

тушиш тезлигини автоматик тарзда ўзгартириш имкони мавжуд;

ж) тушириш баландлиги бўйича:

тушириш баландлиги чекланган;

тушириш баландлиги чекланмаган;

52. Ёнғинларда махсус ишларни амалга ошириш учун мўлжалланган анжомлар, уларнинг қўлланилиш функциясига қараб қуйидагиларни бажара олиши керак:

а) кесиш ва тишлашни (шу жумладан, металл профиллар ва қурилиш конструкцияларининг элементларини);

б) ҳар хил қурилиш конструкцияларини кўтаришни, кўчиришни ва маҳкамлашни;

в) ораликлар ва туйнукларни ёриб ўтишини, қурилиш конструкциялари ва материалларини майдалашни;

г) ҳар хил металл конструкцияларни очиш (шу жумладан, эшик ва деразаларини);

д) ҳар хил диаметрли қувурлардаги тешикларни беркитишни, сиғимлар ва қувурлардаги тешикларни ёпишни.

53. Ёнғинларда махсус ишларни амалга ошириш учун мўлжалланган анжомлар уларнинг ҳаракат механизмларига инсон танасининг қисмлари ёки кийимларининг тасодифий кириб қолишига йўл қўймайдиган хавфсизлик мосламалари билан жиҳозланган бўлиши керак.

Ёнғинларда махсус ишларни бажариш учун мўлжалланган анжомларнинг бошқарув органлари уларда жойлаштирилган маълумотлар нотўғри талқин қилинишини истисно этувчи кўрсаткичлар билан таъминланган бўлиши керак.

Ёнғинларда махсус ишларни бажариш учун мўлжалланган анжомларнинг бир-бирига уланиш бўғинлари, калит ва бошқа чилангарлик анжомларидан фойдаланмаган ҳолда қўлда тез ва ишончли уланишини таъминлаши керак.

54. Ёнғин ўчирувчиларнинг қўшимча анжомлари (ёнғин ўчирувчилар фонарлари, тепловизорлари, радиомаяклар, товушли маяклар) уларнинг қўлланилиши функциясига қараб, ёнғин жойини ёритишни, ёнғин ўчоқлари ва тутунли муҳитда одамларни қидиришни, ёнғин ўчирувчилар турган жойини белгилашни, шунингдек ёнғин ўчириш жараёнида бошқа турдаги ишлар амалга оширилишини таъминлаши керак. Шу билан бирга, анжомлар ушбу функцияларни таъминлаб бериш даражаси авария-қутқарув ишларининг бажарилиш учун талаб қилинадиган кўрсаткич хусусиятларидан келиб чиқиш керак.

55. Ёнғин ўчириш жиҳозлари, ёнғин ўчириш тактикасига мувофиқ ёнғин бўлаётган жойга ўт ўчириш моддаларини талаб этиладиган ишчи босим ва сарфи билан узатиш имкониятини таъминлаши керак.

56. Ёнғин ўчириш гидрантлари ташқи сув таъминоти тармоқларига ўрнатилиши ва ёнғин ўчириш мақсадлари учун сув олиб беришни таъминлаши керак.

